

**ЯДРО ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.FM/Т.33.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЯДРО ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ

КУДИРАТОВ СУННАТИЛЛО НОРБОЕВИЧ

**ОҒИР ЖУФТ-ЖУФТ ЯДРОЛАРДАГИ YRAST- ВА NON-YRAST-
ПОЛОСАЛАРНИНГ ЎЗГАРУВЧАН ЖУФТЛИКДАГИ УЙҒОНГАН
КОЛЛЕКТИВ ҲОЛАТЛАРИ ВА “STAGGERING” ЭФФЕКТЛАР**

01.04.08 – Атом ядроси ва элементар зарралар физикаси, тезлаштирувчи техника

**Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Ташкент – 2021

**Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по физико-математическим наукам**

**Content of the dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on
physical and mathematical sciences**

Кудиратов Суннатилло Норбоевич

Оғир жуфт-жуфт ядролардаги $yrast$ ва $non-yrast$ полосаларнинг
ўзгарувчан жуфтликдаги уйғонган коллектив ҳолатлари ва
“staggering” эффектлар..... 3

Кудиратов Суннатилло Норбоевич

Возбужденные коллективные состояния $yrast$ - и $non-yrast$ -полос
переменной четности и “staggering” эффекты в тяжелых четно-
четных ядрах..... 19

Kudiratov Sunnatillo Norboevich

Excited collective states of $yrast$ and $non-yrast$ alternating-parity bands and
staggering effects in heavy even-even nuclei..... 35

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published

works..... 39

**ЯДРО ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.FM/Т.33.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЯДРО ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ

КУДИРАТОВ СУННАТИЛЛО НОРБОЕВИЧ

**ОҒИР ЖУФТ-ЖУФТ ЯДРОЛАРДАГИ YRAST- ВА NON-YRAST-
ПОЛОСАЛАРНИНГ ЎЗГАРУВЧАН ЖУФТЛИКДАГИ УЙҒОНГАН
КОЛЛЕКТИВ ҲОЛАТЛАРИ ВА “STAGGERING” ЭФФЕКТЛАР**

01.04.08 – Атом ядроси ва элементар зарралар физикаси, тезлаштирувчи техника

**Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Ташкент – 2021

Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.1.PhD/FM576 рақами билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Ядро физикаси институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.inp.uz) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Надирбеков Махмуджон Сулайманович

физика-математика фанлари доктори, катта илмий ходим

Расмий оппонентлар:

Турсунов Эргаш Махкамович

физика-математика фанлари доктори, катта илмий ходим

Олимов Қосим

физика-математика фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Самарканд давлат университети

Диссертация ҳимояси Ядро физикаси институти ҳузуридаги DSc.02/30.12.2019.FM/Т.33.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100214, Тошкент шаҳри, Улуғбек қўрғони, Ядро физикаси институти. Тел.: (+998) 71-289-31-41; факс: (+99871) 289-36-65; e-mail: info@inp.uz).

Диссертация билан Ядро физикаси институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100214, Тошкент шаҳри, Улуғбек қўрғони, Ядро физикаси институти. Тел. (+99871) 289-31-19).

Диссертация автореферати 2021 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2021 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

М. Ю. Ташметов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, ф.-м.ф.д, профессор

О. Р. Тожибоев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, ф.-м.ф. PhD

И. Нуриддинов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси, ф.-м.ф.д, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Дунёда hozirgi кунда оғир ядроларнинг спектроскопик характеристикалари тўғрисида ишончли маълумот олиш атом ядролари тузилиши замонавий назариясининг энг муҳим вазифаларидан биридир. Энергия ва спинларнинг кетма-кетлиги, шунингдек, электр мултипол ўтиш эҳтимоллиги ва электр мултипол моментларининг ўртача қийматлари каби уйғонган коллектив ҳолатларнинг хусусиятлари ядро шаклига ва унинг деформациясига боғлиқ. Яқин ўтмишда оғир ядроларнинг уйғонган коллектив ҳолатларининг спектроскопик хусусиятлари турли муаллифлар томонидан турли хил моделлар доирасида геометрик, алгебраик ва микроскопик яқинлашувлар асосида кенг ўрганилди.

Жаҳонда кўп оғир ядроларнинг айланма энергетик спектрлари квадрупол деформациялар билан аниқланади, октупол деформациялари асосан лантанидлар ва актинидларда содир бўлади. Аксиал квадрупол ва октупол деформацияланувчи ядроларнинг спектроскопик хусусиятлари кўпгина илмий ишларда батафсил кўриб чиқилган, аммо улар ўзгарувчан жуфтликнинг юқори спинли ҳолатларини ҳисобга олмаган. Бошқача айтганда, айланма энергетик сатҳлар спектрининг спинларининг бир неча бирликка ўзгариши билан боғлиқ “zigzag” кўринишидаги тармоқланиш “staggering”-эффект дейилади, ҳамда аксиал-симметрик жуфт-жуфт ядролар учун, $K=0$ бўлганда ўрганилган (K -ядро спинининг унинг симметрия ўқиға проекцияси). Оғир ноаксиал жуфт-жуфт ядроларнинг коллектив уйғонган ҳолатлари γ -полосаси энергетик сатҳларида ҳам $\Delta I=1$ “staggering”-эффектини кузатиш мумкин. Аммо, ноаксиал ядроларнинг γ -полосида кузатилган “staggering”-эффектининг назарий тушунтирилиши амалға оширилмаган. Шу сабабли юқорида таъкидланган оғир жуфт-жуфт ядроларнинг фундаментал спектроскопик хусусиятларини аниқлашға имкон берадиган ноадиабатик коллектив моделни аниқ ядроларға қўлланилиши ниҳоятда долзарбдир.

Мамлакатимизда ядро физикасининг турли йўналишларини ривожлантириш ҳамда дунё миқёсида фундаментал муаммоларни ҳал этиш бўйича кенг қамровли чора-тадбирлар амалға оширилиб, муайян натижаларға эришилмоқда. Республикамизда илм-фаннинг муваффақиятли ривожланиши учун фундаментал тадқиқотлар ва ишланмаларнинг асосий йўналишлари ва уларни амалий қўллаш Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича 2017–2021 йилларға мўлжалланган Стратегиясида¹ ўз аксини топган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2017 йил 16 февралдаги ПФ-4958-сон “Олий ўқув юртидан

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги № ПФ-4947 сон «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси» Фармони

кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида” Фармонлари, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон “Фанлар Академияси фаолиятини янада такомиллаштириш, илмий ишларни ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштириш бўйича чора тадбирлар тўғрисида” Қарори, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот иши Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг II. «Энергетика, энергия тежамкорлиги ва муқобил энергия манбалари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ядро сирт тебранишларининг турли хил потенциал энергиялари учун Бор гамилтониани билан Шредингер тенгламасининг ечими жахоннинг етакчи илмий марказларининг олимлари, масалан: болгариялик (N. Minkov, S. Drenka, P. Yotov), германиялик (W. Greiner, Amand Faessler, W. Scheid, M. Strecker), грециялик (D. Bonatsos, D. Lenis, D. Petrellis), италиялик (L. Fortunato), беларусиялик (Ю.В. Породинский, Е. Ш. Суховицкий), украиналик (В.Ю. Денисов, А.Я. Дзюблик), ўзбекистонлик (Р. Б. Бегжанов, Ш. Шарипов, Б. Ч. Чориев, П. Н. Усманов, М. Дж. Эрмаматов) ва бошқалар томонидан ўрганилган. Бироқ, бу ишларда юқори спинли коллектив ҳолатлар ўрганилмаган, ҳамда кўндаланг тебранишларнинг ҳиссаси қисман ҳисобга олинган ёки умуман ҳисобга олинмаган.

Аксиал-симметрик жуфт-жуфт ядроларнинг ўзгарувчан жуфтликдаги уйғонган ҳолатларининг энергетик спектрини турли хил моделлар асосида ўрганиш болгариялик (N. Minkov, P. Yotov, S. Drenka), германиялик (W. Scheid, M. Strecker), украиналик (В. Ю. Денисов, А. Я. Дзюблик), грециялик (D. Bonatsos, D. Lenis, D. Petrellis), ўзбекистонлик (Р. Б. Бегжанов, Ш. Шарипов, Б. Ч. Чориев, П. Н. Усманов, М. С. Надирбеков, М. Дж. Эрмаматов) ва бошқа олимлар томонидан амалга оширилган.

Аммо ушбу ишларда ўзгарувчан жуфтликдаги айланиш спектрининг тармоқланиши лантанидларни яхши тавсифлайди, актинидларнинг шундай хусусиятларини эса тавсифламайди. Оғир ионлар билан ўтказилган реакциялар уйғонган коллектив юқори спинли ҳолатлар ҳақида маълумот олишнинг асосий манбаи ҳисобланади. Бундай ҳолатлар оғир ядроларни уйғонган коллектив спектрининг асосий-полосасида кузатилади. Шу билан бирга, γ -полоса спектрида юқори спинли ҳолатларни кузатиш мумкин, яъни $I=10\div 14$. Бу эса, оғир жуфт-жуфт ядроларнинг уйғонган коллектив ҳолатлари γ -полосасида бундай спинли қийматларга эга энергетик сатҳларда $\Delta I=1$ “staggering”-эффектни кузатиш имконини беради.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Фанлар Академияси Ядро физикаси институти

илмий тадқиқотлар режасининг Ф2-ФА-Ф117 ”Ядровий астрофизикада ядроларнинг фундаментал характеристикаларининг динамик хусусиятларини ўрганиш” (2012–2016); ОТ-Ф2-14 ”Ўзаро кучли таъсирлашувчи кўп-заррали квант системаларнинг коллектив ва микроскопик хусусиятларни тадқиқ қилиш” (2017–2020); БФ2-006 ”Бўлиниш маҳсулотларини ва трансурани изотопларнинг фаоллигини минималлаштириш ва уларнинг ВВР-СМ ядро реакторининг структуравий материалларга таъсирини ўрганиш” (2017–2020) мавзусидаги лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади оғир жуфт-жуфт ядроларнинг ўзгармас ва ўзгарувчан жуфтликдаги уйғонган коллектив ҳолатларининг спектроскопик характеристикаларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари.

аксиал-симметрик жуфт-жуфт ядроларнинг ўзгарувчан жуфтликдаги уйғонган коллектив ҳолатларининг энергетик спектри ва тўлқин функцияларининг аниқ кўринишдаги ифодаларини ноадиабатик модел асосида гармоник осциллятор ва Гаусс потенциаллари учун олиш;

энергетик спектрнинг $yrast$ - ва биринчи $non-yrast$ -полосаларини ҳисоблаш ва уларни эксперимент натижалари билан солиштириш, бунда уйғонган ҳолатлардаги ядро шакл деформациясининг ўзгариши ҳисобга олинади;

аксиал-симметрик жуфт-жуфт ядроларнинг энергетик спектридаги полосалараро/ичида $E1$ - ва $E2$ - ўтишларнинг келтирилган эҳтимолликлари ифодаларини олиш ва уларни ҳисоблаш, ҳамда эксперимент натижалари билан солиштириш;

$E1$ - ва $E2$ - ўтишларнинг уйғонган коллектив ҳолатлардаги тармоқланишини таҳлил қилиш ва уларнинг квадрупол-октупол сирт тебранишларга сезгирлигини аниқлаш;

аксиал-симметрик жуфт-жуфт ядроларнинг ўзгарувчан жуфтликдаги уйғонган коллектив ҳолатларининг $yrast$ -полосаси энергетик спектридаги тоқ-жуфт $\Delta I=1$ ”staggering” эффект кўринишини таҳлил қилиш ва уни таклиф этилаётган яқинлашув асосида тавсифлаш;

тоқ-жуфт $\Delta I=1$ ”staggering” эффектни ноаксиал жуфт-жуфт ядроларнинг уйғонган коллектив ҳолатлари γ -полосаси энергетик спектридаги кўринишини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объектини ўта-оғир ва оғир жуфт-жуфт ядролар ташкил этади.

Тадқиқотнинг предметини жуфт жуфт ядроларнинг статик ва динамик хусусиятлари, уйғонган коллектив ҳолатлар энергетик спектридаги $E1$ - ва $E2$ - ўтишларнинг келтирилган эҳтимолликлари, $yrast$ - ва мусбат γ -полосалар айланма спектридаги тармоқланишини ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Квант механикасининг математик аппарати тадқиқот методи, ФОРТРАН тилида дастурлаш.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

жуфт-жуфт оғир ядроларнинг ўзгарувчан жуфтликдаги коллектив уйғонган ҳолатлари спектрини тавсифлаш учун айланма моментнинг ҳар бир қийматида

марказдан қочма потенциал энергиянинг мувозанат вазиятини ўзгаришини ҳисобга олувчи модел коллектив гамилтонианининг параметрлаш усули таклиф этилган;

ураст- ва биринчи non-urast-полосалар орасидаги/ичидаги E1- ва E2-ўтишларнинг келтирилган эҳтимолликларини ҳисоблаш ифодалари олинган ва бу ўтишларнинг келтирилган эҳтимолликлари квадрупол-октупол типидagi сирт тебранишларининг динамикасига сезгирлиги кўрсатилган;

аксиаль-симметрик жуфт-жуфт ядроларнинг ўзгарувчан жуфтликдаги urast-полосасидаги $\Delta I=1$ "staggering"-эффeктнинг зиг-заг кўриниши аниқланган, у энергетик сатҳ жуфтлигининг ўзгариши ва ядро айланма харакатининг унинг сирт тебранишлари орасидаги ўзаро таъсирлашуви туфайли юзага келиши кўрсатилган;

γ-полоса энергетик сатҳларидаги $\Delta I=1$ "staggering" эффeктнинг зигзаг кўриниши SU(3) динамик симметрия доирасида асосий ва γ-полосаларнинг ўзаро кучли боғланиши туфайли юз бериши аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ноаксиал жуфт-жуфт ядроларнинг мусбат жуфтликдаги γ-полоса энергетик сатҳларидаги $\Delta I=1$ "staggering"-эффeкт кўриниши аниқлаш учун ноадиабатик коллектив моделни ихтиёрий ноаксиаллик яқинлашуви такомиллаштирилган;

Олинган натижаларнинг ишончлилиги ноадиабатик коллектив модел асосида деформацияланган оғир жуфт-жуфт ядроларнинг ўзгармас/ўзгарувчан жуфтликдаги уйғонган айланма-тебранма ҳолатларнинг энергетик спектрини аниқлаш билан тасдиқланади. Таклиф этилган моделнинг қўлланилиши ўта оғир ядроларнинг қўшилиш реакциясида олинган айланувчи ядронинг яшаш вақтини баҳолаш билан аниқланади. Олинган натижаларни ядровий жараёнларни кесим юзасини ҳисоблашда фойдаланиш ва ядро спектроскопиясида янги экспериментларни режалаштиришда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти такомиллаштирилган моделлар асосида олинган назарий натижаларни оғир ва ўта оғир жуфт-жуфт ядроларнинг замонавий экспериментларда олинган фундаментал спектроскопик характеристикаларини таҳлили билан аниқланади ва бу натижалар ўта оғир ядроларни синтез қилиш реакцияларида, ҳамда уларнинг яшаш вақтини баҳолашда қўллаш билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти оғир ядроларни синтез қилиш реакцияларида олинган айланувчи ядронинг яшаш вақтини баҳолашга, коллектив уйғонган ҳолатлар энергетик спектрини ва бу спектрда полосалар-аро/ичида мультипол ўтишларнинг келтирилган эҳтимолликлари ва бу ўтишларнинг тармоқланишини аниқлашдан иборат.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Оғир жуфт-жуфт ядроларнинг ўхшаш ва ўзгарувчан турдаги уйғонган коллектив спектрининг спектроскопик хусусиятларини аниқлаш бўйича олинган илмий хулосалар асосида тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши:

марказдан қочма потенциал энергиянинг айланма моментининг ҳар бир қиймати учун ўзгариши ҳисобга олинган коллектив модел гамилтонианининг таклиф этилган янги параметрлаш усули ФА-Ф2-Ф112 “Ядровий материянинг юқори ва қуйи энергиялардаги хусусиятлари ва ҳолатларини экспериментал тадқиқ этиш” (2012-2016) (Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг 2021 йил 30 сентябрдаги №2/1255-2686 - сон маълумотномаси) ва ОТ-Ф2-75- “Ўта оғир, трансурани ва ноёб соҳалардаги деформацияланган ядроларнинг айланма сатҳлари хусусиятларини тадқиқ этиш” 2017/2020 (Наманган муҳандислик технология институтининг 2021 йил 16 сентябрдаги 3469-024-сон маълумотномаси) фундаментал лойихалар доирасида фойдаланилган. Илмий натижаларнинг қўлланилиши бўлиниш реакциясидаги оғир фрагментларнинг асосий ва уйғонган ҳолатларини, ҳамда ундаги енгил ва оғир фрагментларнинг деформация параметрларини ва ^{150}Nd , ^{154}Sm , $^{154,160}\text{Gd}$, $^{162,164}\text{Er}$, $^{228,232}\text{Th}$, $^{230,236,238}\text{U}$ ва ^{240}Pu ядроларнинг уйғонган коллектив ҳолатлари мувозанат вазиятининг ўзгаришини ҳисобга олишни, шунингдек оғир ядроларнинг турли полосалардаги спектрини аниқлашга имкон берган.

ураст- ва биринчи non-ураст-полосалар орасидаги/ичидаги E1- ва E2-ўтишларнинг келтирилган эҳтимолликлари ОТ-Ф2-75- “Ўта оғир, трансурани ва ноёб соҳалардаги деформацияланган ядроларнинг айланма сатҳлари хусусиятларини тадқиқ этиш” 2017/2020 (Наманган муҳандислик технология институтининг 2021 йил 16 сентябрдаги 3469-024-сон маълумотномаси) фундаментал лойиха доирасида фойдаланилган. Илмий натижаларнинг қўлланилиши оғир ядроларнинг коллектив уйғонган ҳолатлари спектрининг ядро сиртининг квадрупол-октупол турдаги тебранишларга сезгирлигини аниқлашга имкон берган;

оғир жуфт-жуфт аксиал ядроларнинг ўзгарувчан жуфтликдаги ураст -полосаси ва ноаксиал ядроларнинг мусбат жуфтликдаги γ -полосаси энергетик спектридаги $\Delta I=1$ “staggering”-эффектнинг кўриниши ОТ-Ф2-75- “Ўта оғир, трансурани ва ноёб соҳалардаги деформацияланган ядроларнинг айланма сатҳлари хусусиятларини тадқиқ этиш” 2017/2020 (Наманган муҳандислик технология институтининг 2021 йил 16 сентябрдаги 3469-024-сон маълумотномаси) фундаментал лойиха доирасида фойдаланилган. Илмий натижаларнинг қўлланилиши оғир ядроларнинг коллектив уйғонган ҳолатлари спектрининг нозик структурасини аниқлашга имкон берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация ишининг асосий натижалари 6 та ҳалқаро ва республика илмий-амалий конференцияларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 10 та илмий иш чоп қилинган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий журналларда 4 та мақола, шундан 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 86 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва ишончилиги асосланди, ишнинг мақсади ва вазифалари шакллантирилди, тадқиқот объекти, предмети ва усуллари аниқланди, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикасида фан ва техника тараққиётининг устувор йўналишларига мувофиқлиги аниқланди, тадқиқотнинг илмий янгилиги баён қилинди, олинган натижаларнинг ишончилиги асосланди, уларнинг назарий ва амалий аҳамиятлари очиқ берилди, натижаларнинг жорий этилиши ва ишнинг апробацияси, шунингдек диссертациянинг тузилиши ҳақида қисқача маълумот берилди.

Диссертациянинг «**Моделнинг асосий тенгламалари**» деб номланган биринчи бобида фойдаланилаётган но-адиабатик коллектив моделнинг асосий ғоялари, шунингдек бу ғоялар асосида олинган ва ушбу диссертацияда фойдаланилаётган тенгламалар ифода этилган.

Жуфт-жуфт ядроларнинг коллектив квадрупол ва октупол уйғонишининг умумий назарияси, етита динамик ўзгарувчиларга эга Бор гамилтониани билан аниқланади: коллектив квадрупол $\beta_2 (\beta_2 \geq 0)$, $\gamma (0 \leq \gamma \leq 60^\circ)$; октупол $\beta_3 (\beta_3 \geq 0)$, $\eta (0 \leq \eta \leq 90^\circ)$ ўзгарувчилар ва Эйлер бурчаклари $\theta_1 (0 \leq \theta_1 \leq 2\pi)$, $\theta_2 (0 \leq \theta_2 \leq \pi)$, $\theta_3 (0 \leq \theta_3 \leq 2\pi)$. Бу оператор қуйидагича кўринишга эга:

$$\hat{H}_2 = \hat{T}_{\beta_2} + \hat{T}_{\beta_3} + \hat{T}_\gamma + \hat{T}_\eta + \hat{T}_{rot}(\gamma, \eta) + V(\beta_2, \beta_3, \gamma, \eta), \quad (1)$$

бу ерда \hat{T}_{β_2} , \hat{T}_{β_3} , \hat{T}_γ ва \hat{T}_η - бўйлама $(\beta_2; \beta_3)$ ва кўндаланг $(\gamma; \eta)$ тебранишлар кинетик энергияларининг операторлари; $\hat{T}_{rot}(\gamma, \eta)$ - айланма энергия оператори; $V(\beta_2, \beta_3, \gamma, \eta)$ - бўйлама ва кўндаланг тебранишлар потенциал энергияси.

Бор гамилтониани (1) билан Шредингер тенгламасининг ечими умумий ҳолда жуда мураккаб ва хозирча бу ечим топилган йўқ. Шу сабабли, ушбу ноадиабатик модел доирасида турли Шредингер тенгламасини ечишнинг турли ҳолатлари қаралган:

1) квадрупол ва октупол тебранишларнинг кўндаланг ҳаракат формаси ҳисобга олинмайди, яъни $\gamma=0$ ва $\eta=0$. Бу ҳолатда гамилтониан (1) аксиал-симметрик жуфт-жуфт ядроларнинг хоссаларини тавсифлайди, у бешта динамик ўзгарувчилар (β_2 , β_3 ва Эйлер бурчаклари) аниқланади ва қуйидаги кўринишга эга:

$$\hat{H}_{23} = \hat{T}_{\beta_2} + \hat{T}_{\beta_3} + \hat{T}_{rot} + V(\beta_2, \beta_3), \quad (2)$$

бу ерда \hat{T}_{rot} - $\gamma=0$ ва $\eta=0$ да айланма энергия оператори.

Жуфт-жуфт ядроларнинг уйғонган коллектив ҳолатларининг хусусиятлари:

энергетик спектри ва E1- ва E2-ўтишларнинг келтирилган эҳтимолликлари 2 ва 3 бобларда ўрганилган.

2) гамилтонианда октупол тебранишларнинг ҳаракат формаси ҳисобга олинмайди. Бу ҳолда (1) гамилтонианда ноаксиал жуфт-жуфт ядроларнинг квадрупол уйғонган ҳолатлари бешта динамик ўзгарувчилар билан тавсифланади (β_2 , γ ва Эйлер бурчаклари) ва гамилтониан (1) қуйидаги кўринишга эга бўлади:

$$\hat{H}_2 = \hat{T}_{\beta_2} + \hat{T}_{\gamma} + \hat{T}_{rot}(\gamma) + V(\beta_2, \gamma). \quad (3)$$

(3) гамилтониан билан тавсифланувчи ноаксиал жуфт-жуфт ядроларнинг уйғонган коллектив ҳолатларининг хусусиятлари 4 бобда ўрганилган.

Диссертациянинг «**Аксиал-симметрик жуфт-жуфт ядроларнинг ўзгарувчан жуфтликдаги уйғонган коллектив ҳолатлари**» деб номланган иккинчи боби жуфт-жуфт ядроларнинг ўзгарувчан жуфтликдаги уйғонган коллектив ҳолатларини ўрганишга бағишланган.


Диссертациянинг ушбу бобида ядроларнинг нозик коллектив ҳаракат хусусиятларининг кўзгу-симметрик эркинлик даражалари ҳолида гармоник осциллятор ва Гуасс потенциалларини қўлланилиши билан ўрганилган. Қўлланилган формализм сирт тебранишлар энергиясини айланма моментга эга марказдан қочма энергиянинг мувозанат ҳолатининг ўзгариши ҳисобига ўзгаришини ҳисобга олади. Тебранма ва айланма эркинлик даражаларининг динамик мувозанат шарти уйғонган коллектив ҳолатларнинг ҳар бир айланма моменти учун аниқланади. Бундан келиб чиқиб, оғир жуфт-жуфт ядроларнинг ўзгарувчан жуфтликдаги энергетик спектрини яхшироқ тавсифлаш мақсадида модел гамилтонианни янги параметрлаш усули таклиф қилинди. Ўзгарувчан жуфтликдаги энергетик спектри ва тўлқин функциялари, квадрупол деформацияланувчи ядролар учун киритилган Давидов-Чабан усулида олинди. Таклиф этилган яқинлашув мусбат ва манфий жуфтликдаги ν -полоса энергетик спектрдан ташқари, ўзгарувчан жуфтликдаги биринчи non- ν -полоса энергетик спектрини ҳам тавсифлаш имконини беради.

Лантанидлар ва актинидлар соҳасидаги жуфт-жуфт ядроларнинг уйғонган коллектив ҳолатларининг ν - ва биринчи non- ν -полосаларидаги энергетик сатҳлари ўрганилди. Қаралаётган полосалардаги энергетик сатҳлар ушбу эркин параметрлар: $\hbar\omega$ (в кэВ), μ , ϵ_0^+ , ϵ_0^- (ν -полоса), ϵ_1^+ , ϵ_1^- (биринчи non- ν -полоса) тавсифланади. Берилган ν квант сон учун параметрлар: ϵ_ν^+ ва ϵ_ν^- - мусбат ва манфий жуфтликдаги бурчак тебранишларининг келтирилган энергияларидир. Улар ядроларнинг кузгу-асимметрик шакллари ажратиб турадиган потенциал тўсиқ остида кечувчи туннел эффекти туфайли жуфтликнинг силжишини таъминлайди (доимо $\epsilon_\nu^+ < \epsilon_\nu^-$). μ (ўлчамсиз) катталиқ қаттиқлик параметри, ν σ -тебранишлари билан боғланган ноадиабатик параметр ҳисобланади. $\mu > 1/3$ учун

ядро сирти юмшоқ, акс ҳолда у қаттиқ. Фойдаланилган параметрлар кичик квадратлар методи орқали аниқланган.

Ўзгарувчан жуфтликдаги yrast- ва биринчи non-yrast-полосаларнинг ҳисобланган энергетик сатҳларининг экспериментал натижалари билан солиштирилганда, лантанидлар соҳасидаги: ^{150}Nd , $^{152,154}\text{Sm}$, ^{154}Gd , ^{156}Dy , $^{162,164}\text{Er}$ ва актинидлар соҳасидаги $^{156,158}\text{Gd}$, ^{224}Ra , ^{228}Th , $^{232,234,236,238}\text{U}$, ^{240}Pu ядролар учун кониқарли мос келади. Кўриб чиқиладиган ядролар учун RMS қийматлари (энергетик сатҳларнинг назарий ҳисобланган қийматларини уларнинг экспериментал қийматларидан ўрта квадратик четланиши) ҳисобланди, таъкидлаш лозимки RMS қиймати (~ 100 кэВда) турли яқинлашувларнинг қўлланилиши учун яхши мезон ҳисобланади.


1 ва 2-расмларда ўзгарувчан жуфтликдаги yrast- ва биринчи non-yrast-полосаларнинг энергетик сатҳларининг назарий ва экспериментал қийматларнинг ^{150}Nd ва ^{236}U ядролар учун солиштирилиши келтирилган.



1-расм. Ўзгарувчан жуфтликдаги yrast- ва биринчи non-yrast-полосаларнинг энергетик сатҳларининг назарий ва экспериментал қийматларини ^{150}Nd ядроси учун солиштириш: $\hbar\omega=682.03$ кэВ, $\epsilon_0^+=0.061$, $\epsilon_0^-=7.73$, $\epsilon_1^+=0.35$, $\epsilon_1^-=4.39$, $\mu=0.4127$, $\text{RMS}=20.76$ кэВ; ва Гаусс потенциали учун: $\hbar\omega=791.83$ кэВ, $\epsilon_0^+=0.06$, $\epsilon_0^-=15.68$, $\epsilon_0^+=1.59$, $\epsilon_0^+=6.828$, $\mu=0.375$, $\text{RMS}=24.56$ кэВ.

Диссертациянинг ушбу бобида ноадиабатик коллектив модел асосида квадрупол ва октупол деформацияланувчи оғир жуфт-жуфт ядроларнинг ўзгарувчан жуфтликдаги yrast- ва биринчи non-yrast-полосаларнинг энергетик сатҳларининг назарий тавсифлаш тақдим этилди. Шредингер тенгламасининг гармоник осциллятор ва Гаусс потенциаллари учун ечимлари топилди. Иккала потенциал билан биргаликда ишлаш, ҳамда тебранма-айланма ҳолатларнинг айланма моментларининг ўсиши билан эффектив мувозанатли деформациянинг

Ўзгаришини қараш яқинлашувнинг ажралиб турадиган хусусиятидир. Кўриб чиқилаётган яқинлашув асосида иккита потенциалдан фойдаланган ҳолда олинган тавсифлаш уларни биргаликда ишлаш ва умумий параметрлаш билан боғлиқдир. Ушбу жиҳатдан, олинган натижа уларни каралаётган ядролар соҳасида квадрупол-октупол муаммосига бир хил асосда қўлланиш имконини беради. Гаусс потенциали учун олинган натижалар квант механик потенциал ўрада жойлашган заррачанинг туннел эффектларини таҳлил қилишда ҳам фойдалидир.



2-расм. Ўзгаручан жуфтликдаги yrast- ва биринчи non-yrast-полосаларнинг энергетик сатҳларининг назарий ва экспериментал кийматларини ^{236}U ядроси учун солиштириш: $\hbar\omega=887.721$ кэВ, $\epsilon_0^+=0.594$, $\epsilon_0^-=13.879$, $\epsilon_1'^+=0.28$, $\epsilon_1'^-=0.343$, $\mu=0.222$, $\text{RMS}=21.365$ кэВ ва Гаусс потенциали учун: $\hbar\omega=966.45$ кэВ, $\epsilon_0^+=0.34$, $\epsilon_0^+=29.697$, $\epsilon_0^+=.2277$, $\epsilon_0^+=0.242$, $\mu=0.2112$, $\text{RMS}=36.68$ кэВ

Диссертациянинг «Ўхшаш/ўзгарувчан жуфтликдаги уйғонган коллектив ҳолатлар орасидаги E1- ва E2-ўтишларнинг келтирилган эҳтимолликлари» деб номланган учинчи боби аксиал-симметрик жуфт-жуфт ядроларнинг ўхшаш/ўзгарувчан жуфтликдаги уйғонган коллектив ҳолатлар орасидаги E1- ва E2-ўтишларнинг келтирилган эҳтимолликларини ўрганишга бағишланган. Фойдаланилган ноадиабатик коллектив модель асосида деформацияланган аксиал-симметрик жуфт-жуфт ядроларнинг уйғонган коллектив ҳолатлари yrast- ва биринчи non-yrast-полосалари орасидаги/ичидаги E1- ва E2-ўтишларнинг келтирилган эҳтимолликларини ҳисоблаш учун ифодалар олинди. Уйғонган коллектив ҳолатлар орасидаги/ичидаги E1- ва E2-ўтишларнинг келтирилган эҳтимолликларини (Вайскопф бирликларида (W. u.)) ҳисобланди ва уларнинг тармоқланиши таҳлил қилинди.

Орасидаги/ ичидаги E2-ўтишларнинг келтирилган эҳтимолликлари ядролар: $^{152,154}\text{Sm}$, $^{154,156,158}\text{Gd}$, ^{156}Dy , $^{162,164}\text{Er}$, ^{224}Ra , $^{234,236,238}\text{U}$, ^{240}Pu , шунингдек

орасидаги/ичидаги E1-ўтишларнинг келтирилган эҳтимолликлари ядролар: $^{152,154}\text{Sm}$, $^{154,156,158}\text{Gd}$, ^{156}Dy , $^{162,164}\text{Er}$, ^{224}Ra , $^{234,236,238}\text{U}$, ^{239}Pu ва ^{240}Pu учун ҳисобланди.

Таъкидлаш жоизки, уйғонган коллектив ҳолатлар орасидаги/ичидаги E1- ва E2-ўтишларнинг келтирилган эҳтимолликларини тавсифлаш жараёнида, уйғонган коллектив ҳолатлари *yrast*- ва биринчи *non-yrast*-полосалари энергетик сатҳларини тавсифлашда топилган параметрлардан фойдаланилди.

Таклиф этилган илмий иш уйғонган коллектив ҳолатлар орасидаги/ичидаги E1- ва E2-ўтишларнинг келтирилган эҳтимолликларини ноадиабатик коллектив модел асосида тавсифлаш имкони беради. Олинган модел формализм оғир жуфт-жуфт ядроларнинг ўзгарувчан жуфтликдаги энергетик спектрини, улардаги орасида/ ичида E1- ва E2-ўтишларнинг келтирилган эҳтимолликларини, ҳамда келтирилган эҳтимолликлар тармоқланишини ягона нуқтаи назардан тавсифлаш имконини беради. Олинган натижалар ядроларнинг юқори тартибдаги уйғонган коллектив ҳолатларининг ўзгарувчан жуфтликдаги *non-yrast*-полосаларини тавсифлаш имконини беради. Бундан ташқари таклиф этилган модел асосида орасида/ ичида E1- ва E2-ўтишларнинг келтирилган эҳтимолликларини юқори спинлардаги қийматларини башорат қилиш имконияти мавжуд.

Диссертациянинг «**Жуфт-жуфт ядроларнинг энергетик спектридаги $\Delta I=1$ “staggering” эффе́ктлари**» деб номланган тўртинчи боби аксиал-симметрик жуфт-жуфт ядроларнинг ўзгарувчан жуфтликдаги *yrast*-полоса энергетик спектридаги ва ноаксиал ядроларнинг ўхшаш жуфтликдаги γ -полосада энергетик спектридаги $\Delta I=1$ “staggering” эффе́ктнинг кўринишни ўрганишга бағишланган.

Ядро коллектив ҳаракатининг соф айланма ҳаракатидан оғишини яхши ўрганилган хар ҳил турлари мавжуд. Бу оғишлар натижасида ядро айланма ҳаракат спектрида “squeezing”, “backbending” ва “staggering” каби юқори тартибдаги эффе́ктлар кечади .

Муайян физик катталиқ функцияси сифатида маълум бир ядро характеристикасининг юқори тартибдаги ҳосилаларидан фойдаланиш жуфт-тоқ “staggering”-эффе́ктларнинг турли шакллари кўрсатади, улар ядровий ўзаро таъсирнинг нозик хусусиятларини ва шунга мос юқори тартибли коллектив динамика корреляцияларни намоён этади.

“Staggering”-эффе́ктлар ядро айланма моментлари I нинг бир неча бирликка фарқланувчи айланма полоса спектри кетма-кетлигини тармоқланишини билдиради. Масалан, $\Delta I=1$, $\Delta I=2$ ва $\Delta I=4$ каби “staggering” эффе́ктлар супер-деформацияланган ядроларнинг энергетик полосаларида кузатилади. Бу эффе́ктлар жуфт-жуфт ядроларда яхши маълум ва турли коллектив моделларни тест қилиш имконияти беради.

$\Delta I=1$ “staggering”-эффе́ктлар жуфт-жуфт ядроларнинг ўзгарувчан жуфтликдаги *yrast*- ва ўзгармас жуфтликдаги γ -полосаларида кузатилади. Бу эффе́кт ўзгарувчан белгили “zigzag” кўринишида намоён бўлади. Бундай ҳолатда бу эффе́ктнинг “тебраниши” ўзгарувчан жуфтликдаги энергетик *yrast*-полосада катта амплитудага эга. Агар энергетик сатҳлар ягона полоса шакллантирса $\Delta I=1$

“staggering”-эффект йўқолиб кетиши зарур. Энергетик полосаларнинг каралаётган структурасини батафсил баҳолаш учун энергиянинг айланма момент функцияси сифатидаги юқори тартибли ҳосиласи қўлланилади.

$\Delta E(I) = \Delta E(I+1) - E(I)$ функциянинг тўртинчи даражали ҳосиласини дискрет яқинлашувига пропорционал тоқ-жуфт “staggering” эффектни караймиз, у ушбу формула билан аниқланади:

$$Stag(I) = 6\Delta E(I) - 4\Delta E(I-1) - 4\Delta E(I+1) + \Delta E(I+2) + \Delta E(I-2), \quad (4)$$

бу ерда $E(I)$ -энергия сатҳлари. Таъкидлаш лозимки, $\Delta I=1$ “staggering” эффектни тавсифлаш учун бошқа турдаги альтернатив формулалар бор. Аммо бу эффектнинг кўриниши формулаларнинг турига боғлиқ эмас.

^{150}Nd , ^{154}Sm , $^{154,160}\text{Gd}$, $^{162,164}\text{Er}$, $^{228,232}\text{Th}$, $^{230,236,238}\text{U}$ ва ^{240}Pu ядроларнинг ўзгарувчан жуфтликдаги энергетик ураст-полосадаги жуфт-тоқ $\Delta I=1$ “staggering” эффект тузилиши мос экспериментал кўринишлари билан солиштирилди. Булардан кўринадикки, гармоник осциллятор ва Гаусс потенциаллари учун олинган $\Delta I=1$ назарий “staggering” диаграммалар экспериментларда кузатилган эффектни яхши намоён этади. Таъкидлаш лозимки, ^{154}Gd , ^{162}Er , $^{228,232}\text{Th}$ ва $^{230,238}\text{U}$ каби баъзи ядроларда жуфт-тоқ “staggering”-эффектларнинг экспериментал амплитудалари айланма моментларнинг ўсиши билан назарий амплитудаларга нисбатан тезроқ камайиши кузатилган.

3- ва 4- расмларда ^{150}Nd ва ^{236}U ядролари учун “staggering”-эффектнинг назарий ва экспериментал кўриниши келтирилган. Расмлардан кўринадикки $\Delta I=1$ “staggering”-эффектнинг назарий ва экспериментал кўринишлари бири-бирига яхши мос келади.


Жуфт-тоқ $\Delta I=1$ “staggering”-эффектлар жуфт-жуфт ядроларнинг коллектив ҳолатларининг γ -полосасида ҳам кузатилади. Ноадиабатик коллектив модел доирасида жуфт-жуфт ядроларнинг коллектив ҳолатларининг γ -полоса спектридаги (бу полосадаги айланма моментларнинг катта қийматлари билан, яъни, $I=10\div 14$) $\Delta I=1$ “staggering”-эффектнинг кўриниши тадқиқ этилган.

5- ва 6- расмларда ^{150}Nd ва ^{166}Er ядролари учун “staggering”-эффектининг назарий ва экспериментал кўриниши келтирилган. Расм ости ёзувларда назарий параметрларнинг қийматлари келтирилган: $\hbar\omega$ (энергетик фактор), μ_β (β -тебранишларнинг ноадиабатик параметри), μ_γ (γ -тебранишларнинг ноадиабатик параметри), γ_0 (ноаксиаллик параметри). Бундан ташқари R_{MS} ва R_{0041} ларнинг қийматлари ҳам келтирилган.


$$R_{0041} = \frac{E_{0041}}{E_{0021}},$$

асосий полосанинг иккинчи уйғонган ҳолат энергиясининг биринчи уйғонган ҳолат энергиясига нисбати. R_{0041} нисбат қийматига уйғонган сатҳларнинг коллектив айланма-тебранма кўринишига боғлиқ. $2.7 < R_{0041} < 10/3$ бўлганда энергетик

сатҳларнинг кўриниши айланма спектр ёки айланма спектрга яқин, $2 < R_{0041} < 2.4$ бўлганда эса тебранма спектр ёки тебранма спектрга яқин бўлади.



3-расм. ^{150}Nd ядроси учун “staggering”-эффектнинг назарий ва экспериментал кўриниши



4-расм. ^{236}U ядроси учун “staggering”-эффектнинг назарий ва экспериментал кўриниши

^{152}Sm , ^{156}Dy , $^{164,166}\text{Er}$ ва ^{230}Th оғир ядроларнинг γ -полосаси энергетик спектридаги $\Delta I=1$ “staggering”-эффектнинг (кэВ бирликларида) “зигзаг” кўриниши ўрганилди. Айланма момент функция бўлган $\text{Stag}(I)$ катталиқнинг барча ҳолларда $\Delta I=1$ “staggering”-эффектнинг “зигзаг” кўринишидаги аниқ ифодаланган манзараси олинди. Таъкидлашимиз лозимки, γ -полосаси энергетик спектридаги $\Delta I=1$ “staggering”-эффектнинг “зигзаг” кўринишининг амплитудаси худди шу эффектнинг ўзгарувчан жуфтликдаги yrast -полосадаги $\Delta I=1$ ”staggering” эффе́кт амплитудасидан фарқланади. Қаралаётган ҳолда $\Delta I=1$ ”staggering” эффе́кт амплитудаси yrast -полосадаги $\Delta I=1$ ”staggering” эффе́кт амплитудасидан кичик.

Оғир деформацияланган ядроларда асосий ва γ -полосаларнинг (бу полосалар аралашганда) ўзаро таъсирлашуви икки полоса орасидаги энергетик бўлинишни боғлайди. $SU(3)$ динамик симметрия доирасида бу бўлиниш $SU(3)$ мультиплетнинг парчаланишига мос келади ва қуйидаги муносабат билан аниқланади

$$\Delta E_{00I} = \frac{E_{00I2} - E_{00I1}}{E_{0021}},$$


асосий ва γ -полосаларнинг жуфт қийматли айланма моментларга эга энергетик сатҳларнинг айирмаси билан тавсифланади. Илгари ΔE_{00I} учун экспериментал муносабат лантанидлар учун $5 \leq \Delta E_{00I} \leq 20$ ва $13 \leq \Delta E_{00I} \leq 25$ актинидлар учун ўзгариши аниқланган. Бундан ташқари, мақолада¹ кўрсатилишича агар $\Delta E_{00I} \leq 12$ лантанидлар

¹ Minkov N., Drenka S. B., Raychev P. P., Roussev R. P., Bonatsos D. Ground- γ -band mixing and odd-even staggering in heavy deformed nuclei. Physical Review C. 2000. 61, p.064301-064310.


учун ва $\Delta E_{001} \leq 15$ актинидлар учун бўлса, у ҳолда асосий ва γ -полосалар SU(3) динамик симметрия доирасида кучли, акс ҳолда кучсиз боғланган бўлади. Диссертациянинг ушбу бобида қаралаётган ^{152}Sm , ^{156}Dy , $^{164,166}\text{Er}$, ^{230}Th ядроларда $\Delta I=1$ “staggering”-эффект асосий ва γ -полосалар SU(3) динамик симметрия доирасидаги кучли боғланиш ҳолида юз беради.

Қаралаётган ядролардаги $\Delta I=1$ “staggering”-эффектнинг назарий кўриниши уларнинг экспериментал кўринишига нисбатан катта амплитудага эга бўлиши аниқланган. Афтдан, ядроларнинг айланма спектридаги нозик эффектларнинг ҳиссаси, яъни тешик-нуклон ўтишлар ва турли хил ядро уйғонган ҳолатлари энергетик полосаларининг ўзаро таъсири муҳим рол уйнайди.

Бу ерда, кўриб чиқилаётган ядролар сони бизга қандайдир батафсил систематикага эга бўлиш имконияти йўқлигига қарамай, ядровий коллектив хусусиятлар мос келувчи γ -полосанинг нозик айланма структурасининг муҳим характеристикаси тақдим этилган. Ўтказилган тадқиқотлар уйғонган коллектив ҳолатларнинг γ -полосасидаги $\Delta I=1$ “staggering”-эффектни ихтиёрий ноаксиаллик яқинлашуви доирасида мавжуд экспериментал маълумотларни изчил назарий талқин қилинишига олиб келади.



5-расм. ^{156}Dy ядросининг γ -полосаси энергетик спектрида $\Delta I=1$ “staggering”-эффектнинг (б) назарий ва экспериментал кўриниши ($\hbar\omega=349.37$ keV, $\mu_\beta=0.55383$, $\mu_\gamma=0.8928$, $\gamma_0=13.9^\circ$, $\text{RMS}=64.94$ keV, $\text{R}_{0041}=2.9336$)



6-расм. ^{164}Er ядросининг γ -полосаси энергетик спектрида $\Delta I=1$ “staggering”-эффектнинг (б) назарий ва экспериментал кўриниши ($\hbar\omega=563.7$ кэВ, $\mu_\beta=0.2777$, $\mu_\gamma=0.1346$, $\gamma_0=12.95^\circ$, $\text{RMS}=85.3$ кэВ, $\text{R}_{0041}=3.2767$)

Оғир деформацияланувчи жуфт-жуфт ядроларнинг уйғонган коллектив ҳолатларнинг γ -полосасидаги $\Delta I=1$ “staggering”-эффектни кўринишини ихтиёрий

ноаксиаллик яқинлашуви доирасида тавсифлаш тақдим этилган. Уйғонган коллектив ҳолатларнинг γ -полосасидаги жуфт-ток $\Delta I=1$ “staggering”-эффектнинг кўринишини модел талқини айланма спектрлардаги “staggering”-эффектларни тўлақонли тушуниб олиш учун фойдали.

Амалга оширилган “staggering”-эффектнинг назарий талқини экспериментал маълумотларни жуда яхши тасвирлайди. Қаралаётган ядроларда $yrast$ - ва γ -полосалар энергетик спектрида намоён бўладиган $\Delta I=1$ “staggering”-эффектнинг “зигзаг” кўринишини тақдим этилган яқинлашувлар доирасида етарлича тушунтирилган, квадрупол-октупол ёки квадрупол деформацияларни сифат ва миқдорий жиҳатдан баҳолаш кўрсатилган.

ХУЛОСА

“Оғир жуфт-жуфт ядролардаги $yrast$ ва $non-yrast$ полосаларнинг ўзгарувчан жуфтликдаги уйғонган коллектив ҳолатлари ва “staggering” эффектлар” мавзусидаги физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси доирасида ўтказилган тадқиқотлар асосида қуйидагиларни хулоса қилиш мумкин:

1. Гармоник осциллятор ва Гаусс сирт тебранишлари потенциал энергиялари учун оғир жуфт-жуфт ядроларнинг уйғонган коллектив ҳолатларининг энергетик спектри ва тўлқин функцияларининг аниқ кўринишдаги ифодалари олинди. Олинган натижаларнинг ^{150}Nd , ^{154}Sm , $^{154,160}\text{Gd}$, $^{162,164}\text{Er}$, $^{228,232}\text{Th}$, $^{230,236,238}\text{U}$, ^{240}Pu ядроларда энергетик спектрнинг $yrast$ -, биринчи- $non-yrast$ полосалар учун ҳисобланди ва эксперимент натижаларига яқинлиги квадрупол-октупол сирт тебранишларини ва уйғониш пайтида сирт тебранишларининг ўзгаришини бир вақтнинг ўзида ҳисобга олиш туфайли эришилди.

2. $E1$ - ва $E2$ - ўтишларнинг келтирилган эҳтимолликлари учун ифодалар олинди ва уларни энергетик спектр учун фойдаланилган параметрларнинг қийматларида (п. 1) ^{150}Nd , ^{154}Sm , $^{154,160}\text{Gd}$, $^{162,164}\text{Er}$, ^{232}Th , $^{236,238}\text{U}$ ядролар учун ҳисобланди ва эксперимент натижалари билан солиштирилди. Полосалар-аро/ ичида $E1$ - ва $E2$ -ўтишларнинг келтирилган эҳтимолликларининг квадрупол ва октупол деформациялар динамикасига сезгирлиги кўрсатилди.

3. Аксиал-симметрик жуфт-жуфт ядроларнинг ^{150}Nd , ^{154}Sm , $^{154,160}\text{Gd}$, $^{162,164}\text{Er}$, $^{228,232}\text{Th}$, $^{236,238}\text{U}$, ^{240}Pu ўзгарувчан жуфтликдаги энергетик спектридаги $\Delta I=1$ ”staggering”-эффектнинг зиг-заг кўриниши аниқланди. Бу эффект айланма моментларнинг кичик қийматларида энергетик спектри жуфтлигининг ўзгариши ҳисобига, айланма моментларнинг катта қийматларида эса ядро айланма ҳаракати ва унинг шакл деформациясининг ўзаро таъсирлашуви ҳисобига юзага келиши кўрсатилди.

4. Но-адиабатик коллектив моделнинг ихтиёрий но-аксиалликдаги яқинлашуви жуфт-жуфт ядроларнинг: ^{152}Sm , ^{156}Dy , $^{164,166}\text{Er}$ ва ^{230}Th уйғонган коллектив ҳолатларининг спектрнинг γ -полосасидаги $\Delta I=1$ ”staggering”-

эффект "зигзаг" кўриниши тавсифлаш учун такомиллаштирилди. Бу эффектнинг $SU(3)$ -динамик симметрия доирасида асосий ва γ -полосаларнинг кучли боғланишида юз бериши кўрсатилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.02/30.12.2019.FM/T.33.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ИНСТИТУТЕ ЯДЕРНОЙ ФИЗИКИ**

ИНСТИТУТ ЯДЕРНОЙ ФИЗИКИ

КУДИРАТОВ СУННАТИЛЛО НОРБОЕВИЧ

**ВОЗБУЖДЕННЫЕ КОЛЛЕКТИВНЫЕ СОСТОЯНИЯ γ RAST- И NON-
 γ RAST ПОЛОС ПЕРЕМЕННОЙ ЧЕТНОСТИ И "STAGGERING"
ЭФФЕКТЫ В ТЯЖЕЛЫХ ЧЕТНО-ЧЕТНЫХ ЯДРАХ**

01.04.08 – Физика атомного ядра и элементарных частиц. Ускорительная техника

АВТОРЕФЕРАТ
диссертации доктора философии (PhD) по физико-математическим наукам

Ташкент – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) по физико-математическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером № B2021.1.PhD/FM576.

Диссертация выполнена в Институте ядерной физики Академии наук Республики Узбекистан.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.inp.uz) и на Информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель:

Надирбеков Махмуджон Сулайманович

Доктор физико-математических наук, старший научный сотрудник

Официальные оппоненты:

Турсунов Эргаш Махкамович

Доктор физико-математических наук, старший научный сотрудник

Олимов Косим

Доктор физико-математических наук, профессор

Ведущая организация:

Самаркандский государственный университет

Защита диссертации состоится «__» _____ 2021 года в ____ часов на заседании Научного совета DSc.02/30.12.2019.FM/T.33.01 при Институте ядерной физики (Адрес: 100214, г. Ташкент, пос. Улугбек, ИЯФ АН РУз. Тел.: (+998) 71-289-31-41; факс: (+99871) 289-36-65; e-mail: info@inp.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института ядерной физики (регистрационный номер _____). (Адрес: 100214, г. Ташкент, пос. Улугбек, ИЯФ АН РУз. Тел. (+99871) 289-31-19).

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2021 г.
(протокол рассылки No _____ от _____ 2021 г.)

М. Ю. Ташметов

председатель Научного совета по присуждению
ученых степеней, д.ф.-м.н., профессор

О. Р. Тожибоев

ученый секретарь Научного совета по присуждению
ученых степеней, PhD.ф.-м.н.

И. Нуритдинов

председатель научного семинара при Научном совете
по присуждению ученых степеней, д.ф.-м.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В настоящее время в мире получение надежной информации о спектроскопических характеристиках тяжелых ядер является одной из наиболее важных задач современной теории структуры атомных ядер. Свойства возбужденных коллективных состояний, такие как последовательность значений энергий и спинов, а также вероятность электрических мультипольных переходов и средние значения электрических мультипольных моментов зависят от формы ядра и её деформируемости. В последнее время спектроскопические свойства возбужденных коллективных состояний тяжелых ядер широко изучаются различными авторами в рамках различных моделей, использующих геометрические, алгебраические и микроскопические приближения.

В мире вращательные энергетические спектры большинства тяжелых ядер определяются квадрупольными деформациями, а октупольные деформации имеют место в основном для лантанидов и актинидов. Спектроскопические свойства ядер с аксиальной квадрупольной и октупольной деформациями подробно рассмотрены во многих работах, но в них не были рассмотрены высокоспиновые состояния переменной четности. С другой стороны, разветвление энергии уровней в спектре вращательной полосы с зигзагообразным изменением спина уровней на единицу, т.е. $\Delta I=1$ “staggering”-эффект, рассматривались лишь в случае $K=0$ (K - проекция полного углового момента на ось симметрии ядра) для аксиально-симметричных четно-четных ядер. Однако, теоретическое объяснение наблюдаемого “staggering”-эффекта для неаксиальных четно-четных ядер требует рассмотреть случай в котором K является не сохраняющейся величиной (K -смешивание). Поэтому, развитие неадиабатической коллективной модели, которая позволяет установить динамические свойства вышеупомянутых фундаментальных спектроскопических характеристик тяжелых четно-четных ядер, и её применения для конкретных ядер является чрезвычайно актуальной.

В нашей Республике уделяется большое внимание развитию ядерной физики, в частности экспериментальных и теоретических работ в области физики атомного ядра и элементарных частиц, а также проведению фундаментальных исследований в этом направлении на мировом уровне. Направления этих фундаментальных исследований, имеющих большое значение для развития науки нашей страны и её дальнейшего практического применения, отражены в Стратегии¹ действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 гг.

Исследования, проведенные в данной диссертационной работе, соот ветствуют задачам, предусмотренным в Указах Президента Республики Узбекистан № УП-4947 от 7 февраля 2017 года “О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 гг.”, № УП-4958 от 16 февраля 2017 года “О

¹ Указ Президента Республики Узбекистан № УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 07 февраля 2017 г.

дальнейшем совершенствовании систем высшего образования”, в Постановлении Президента Республики Узбекистан № ПП-2789 от 17 февраля 2017 года “О мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности Академии наук, организации, управления и финансированию научно-исследовательской деятельности” а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики Узбекистан. Диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий в Республике Узбекистан II. «Энергетика, энергосбережение и альтернативные источники энергии».

